

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«7» ИЮНЬ 2019 у.

№ 469

Toshkent sh.

**Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг
маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон ва “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон фармонларига мувофиқ ҳамда болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнини Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали босқичма-босқич амалга ошириш ҳақида таклифи маъкуллансин.

2. Кўйидагилар:

Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

2019/2020 ўкув йилидан бошлаб болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш жараёнини Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиqlансин.

3. Белгилансинки, 2019/2020 ўкув йили учун болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб аталади) қабул қилиш 2019 йил 20 июндан бошлаб Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) орқали босқичма-босқич жорий этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 20 июня қадар:

умумий ўрта таълим муассасаларига болаларни қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялаш имконияти мавжуд бўлган маҳсус онлайн платформа (кейинги ўринларда платформа деб аталади) яратилишини;

платформада Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали болаларни қабул қилиш жорий этиладиган умумтаълим муассасалари билан боғлиқ бўлган барча зарур маълумотлар жойлаштирилишини;

болаларни умумтаълим муассасаларида Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали қабул қилиш билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқиши учун Коракалпогистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Давлат хизматлари марказлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, умумтаълим муассасалари ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламентнинг амалда қўлланилиши, унинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўкув семинарлари ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2019 йил 20 июня қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда:

давлат хизматлари кўрсатишда иштирок этувчи тузилмаларнинг ЯИДХПга уланишини таъминласин;

ЯИДХПда болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида жисмоний шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 15 июня қадар фуқароларнинг доимий ва вактинча яшаш жойлари манзиллари тўғрисидаги ахборот базасини Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ахборот тизимига интеграция килиш чораларини кўрсинг.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ушбу қарор билан тасдиқланган Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти талаблари бузилганлиги учун тегишли ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо чораларини белгиланган тартибда қўлласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда улар қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов ва Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “7” иёлдаги 469-сон карорига
1-илова

**Болаларни давлат умумий ўрта таълим муассасаларига
қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Регламент Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб юритилади) орқали болаларни умумий ўрта таълим муассасаларига (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб аталади) қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент талаблари қуйидаги умумтаълим муассасаларига нисбатан қўлланилади:

бошланғич мактаб;

умумий ўрта таълим мактаби;

айрим фанлар чукур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб (ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ва мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари бундан мустасно).

3. Болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиш жараёнини амалга оширишда:

а) туман (шаҳар) хокимликлари:

заруратга кўра тегишли йилнинг 1 январига қадар умумтаълим муассасаларига бириклирилган худудларни (кейинги ўринларда микрохудуд деб аталади) тасдиқлайди;

б) Коракалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси хузуридаги Манзил-маълумот бюоролари (кейинги ўринларда манзил-маълумот бюоролари деб аталади) ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) микрохудудда доимий пропискада турганлиги, шунингдек, маълумот мавжуд эмаслиги ҳақида ахборот беради;

в) Халқ таълими вазирлиги:

умумтаълим муассасаларига болаларни қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси ЯИДХПга интеграциялаш имконияти мавжуд бўлган онлайн платформани (кейинги ўринларда платформа деб аталади) ишлаб чикади;

ушбу платформа узлуксиз ишлашини ҳамда техник қўллаб-куватланишини таъминлайди;

платформада таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотлар янгилаб борилишини таъминлайди;

платформада умумтаълим муассасаларига биритирилган микрохудуддаги кўп қаватли уй ва кўча номлари, микрохудуддаги мактаб ёшидаги болалар сони, I-синфга қабул режаси, қабул қилинган болалар сони ва бўш ўринларнинг мавжудлиги кўрсатилади;

г) ариза берувчилар умумтаълим муассасасига йўлланма билан мурожаат қиласди.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари тегишли йилнинг 1 апрелига қадар умумтаълим муассасаларининг I-синфга қабул квотасини белгилайди.

Қабул квотаси асосий ва қўшимча квота турларига ажратилади.

Асосий квота – туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан умумтаълим муассасаларига биритирилган микрохудудда истиқомат килаётган фуқароларнинг фарзандлари, отаси ёки онаси I гурух ногирони бўлган ҳамда етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини (кейинги ўринларда асосий квота деб аталади) инобатга олган ҳолда шакллантирилади;

Қўшимча квота – умумтаълим муассасаларининг имкониятидан келиб чикиб, микрохудуддан ташкарида истиқомат килаётган мактаб ёшидаги, микрохудуд ва микрохудуддан ташқари мактаб ёшига етмаган (тегишли йилнинг 1 сентябрига қадар 6 ёшга тўладиган), шунингдек, умумтаълим муассасаларида таълим бериш тили бўйича бошлангич билим (мулоқот қилиш) кўникмасига эга бўлмаган болалар учун ажратилади.

5. Давлат хизматлари марказлари, мувофиқлаштирувчи ишчи гурухлар ва манзил-маълумот бюролари ўртасида ахборот алмашуви фақат идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик орқали, электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) кўллаган ҳолда амалга оширилади.

6. Болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиш ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Болаларни умумтаълим муассасаларига асосий квота бўйича қабул қилиш тартиби

7. Болаларни умумтаълим муассасаларига асосий квота бўйича қабул қилиш ҳар йили 15 июндан 31 августга қадар амалга оширилади.

8. Умумтаълим муассасаларига биритирилган микрохудуд бўйича тегишли йилнинг 31 декабрига қадар 7 ёшга тўладиган болалар қабул қилинади.

9. Ариза берувчи йўлланма олиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қиласди ёки электрон тарзда давлат хизматларидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

10. Асосий квота бўйича мактаб ёшидаги болаларни таълим муассасаларига қабул қилишда давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йигим ундирилмайди.

11. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат килинган тақдирда эса ариза берувчи давлат хизматлари олиш учун сўровномани электрон тарзда мустақил равишда, платформада жойлаштирилган маълумотдан фойдаланган ҳолда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномага мувофик шакл бўйича тўлдиради.

Ариза берувчилардан ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномада кўрсатилмаган маълумотлар ва хужжатларни тақдим этишини талаб қилиш катъяян тақиқланади.

Сўровномада ишончсиз маълумотларнинг кўрсатилиши давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

12. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг Давлат хизматлари маркази ходими сўровномани қоғозга чиқаради ва ариза берувчига беради. Ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, уни ўз ЭРИ билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

13. Давлат хизматлари марказлари сўровнома тўлдирилган вақтдан бошлаб бир соат мобайнида уни манзил-маълумот бюросига юборади.

ЯИДХП орқали мурожаат килинган тақдирда сўровнома автоматик равишида манзил-маълумот бюросига юборилади.

14. Боланинг қариндошлари томонидан умумтаълим муассасасига йўлланма олиш факат боланинг ота-онаси томонидан белгиланган тартибда берилган (нотариал тасдиқланган) ишончнома асосида амалга оширилади.

15. Манзил-маълумот бюролари сўровнома тушганидан бошлаб бир иш куни мобайнида ариза берувчиларнинг микрохудудда доимий пропискада турганлиги (турмаганлиги), шунингдек, маълумот мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотни тегишли давлат хизматлари марказларига юборади.

16. Давлат хизматлари марказлари манзил-маълумот бюроларидан маълумот тушганидан бошлаб бир иш куни мобайнида QR-код (матрик штрихли код) кўйилган йўлланмани ёки асослантирилган рад жавобини расмийлаштиради.

Ариза берувчиларнинг микрохудудда доимий пропискада турмаслиги, йўлланма беришни рад этиш учун асос бўлади.

Йўлланма беришни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Бунда болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиш қўшимча квота бўйича белгиланган тартибда амалга оширилади.

17. Давлат хизматлари маркази ариза берувчининг сўровига кўра унга йўлланмани ёки асослантирилган рад жавобини электрон шаклда ёки қоз шаклда муҳрини босиб, масъул ходимнинг имзосини кўйиб беради.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда йўлланма ёки асосланган рад жавоби ариза берувчининг электрон почта манзилига юборилади.

3-боб. Болаларни умумтаълим муассасаларига қўшимча квота бўйича қабул қилиш тартиби

18. Болаларни умумтаълим муассасаларига қўшимча квота бўйича қабул қилиш ҳар йили 15 июндан 31августга қадар амалга оширилади.

19. Кўшимча квота умумтаълим муассасасининг ўқувчиларни қабул қилиш учун малакали педагог кадрлар билан таъминланганлиги, синф хоналарининг ўкув мебеллари билан жиҳозланганлигидан келиб чиқиб Кузатув кенгашининг тавсияси ва умумтаълим муассасаси раҳбарининг буюртмаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва виоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг буйруги билан тасдиқланади.

20. Кўшимча квота бўйича умумтаълим муассасаларига қабул қилиш учун бир болага нисбатан қуида назарда тутилган ҳолатларнинг ҳар бир банди бўйича ариза берувчиларнинг ихтиёрий розилиги асосида энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаган миқдорда йиғим ундирилади:

а) микроҳудуддан ташқарида истиқомат қилаётган мактаб ёшидаги болалар;

б) микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари мактаб ёшига етмаган, яъни тегишли йилнинг 1 январидан 31 августига қадар 7 ёшга тўлмайдиган болалар;

в) умумтаълим муассасаларида (микроҳудуд ва микроҳудуддан ташқари) таълим бериш тили бўйича бошланғич билим (мулоқот қилиш) кўнижмасига эга бўлмаган болалар учун ариза берувчиларнинг ихтиёрий розилиги асосида йиғим ундирилади.

Умумтаълим муассасасининг талабгорлигидан келиб чиқиб Кузатув кенгашлари ариза берувчилардан ундириладиган йиғимнинг оширилган миқдорини белгилашлари мумкин.

21. Йиғимлар суммаси қуидаги тартибда тақсимланади:

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

қолган маблағлар тўлиқлигича тегишли умумтаълим муассасасининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

22. Ариза берувчилар ихтиёрий розилик асосида умумтаълим муассасаларининг маҳсус ҳисоб рақамига тўлов амалга оширилгандан сўнг

тўлов амалга оширганлиги тўғрисидаги квитанция билан йўлланма олиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қилади.

23. Давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда эса ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровномани электрон тарзда мустақил равишда, платформада жойлаштирилган маълумотдан фойдаланган ҳолда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномага мувофиқ шакл бўйича тўлдиради.

Йўлланма Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат қилинганда шу куннинг ўзида, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса автоматик равишда расмийлаштирилади.

24. Давлат хизматлари маркази ариза берувчининг сўровига кўра унга йўлланмани электрон шаклда ёки қофоз шаклда муҳрини босиб, масъул ходимнинг имзосини кўйиб беради.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда йўлланма ёки асосланган рад жавоби ариза берувчининг электрон почта манзилига юборилади.

4-боб. Умумтаълим муассасаларига болаларнинг шахсий хужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби

26. Ариза берувчилар йўлланма олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида (йўлланма билан бирга) умумтаълим муассасасига қуидаги хужжатларни топширади:

боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома;

боланинг $3,5 \times 4,5$ см ўлчамили 4 дона рангли фотосурати;

ариза берувчининг паспорти нусхаси;

боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси.

27. Болаларни умумтаълим муассасасига қабул қилиш йўлланма тақдим этилганда умумтаълим муассасасалари томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Болаларни умумтаълим муассасаларига йўлланмалар мавжуд бўлмаганда расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

28. Боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотномада ўқишига тавсия этилган тиббий хулоса мавжуд бўлганда (соғлом эканлиги кўрсатилганда) бола умумтаълим муассасасига қабул килинади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

29. Умумтаълим мактаблари асосий квота доирасида тўлиқ қамраб олингандан сўнг бўш ўринлар қўшимча квота асосида тўлдирилади.

Асосий квота бўйича белгиланган ўринлар етарли бўлмаган тақдирда қўшимча квота хисобига қабул қилинади.

Умумтаълим муассасаларининг 1-синфларига тасдиқланган қабул квоталар бажарилгандан сўнг аризаларни қабул қилиш тўхтатилади.

Умумтаълим муассасаларига қабул квотасидан ташқари ва Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали олинган йўлланмаларсиз ҳамда синфларда 35 нафардан ортиқ ўқувчиларни қабул қилишга йўл қўйилмайди.

30. Давлат хизматлари марказлари, умумтаълим муассасалари ва манзил-маълумот бюоролари ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган ариза берувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

31. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг худудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талабларининг бажарилиши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни ва мониторингни амалга оширадилар.


32. Болаларни умумтаълим муассасаларига Давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали қабул қилиш билан боғлик мурожаатлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида ташкил этилган мувофиқлаштирувчи ишчи гурӯҳ томонидан кўриб чиқилади.


33. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан ариза берувчи томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

34. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

Болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш
СХЕМАСИ





Болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул
қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

Болаларни давлат умумтаълим муассасаларига қабул қилиш
бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА*

I. Аризачи ҳақида маълумотлар:

1. Болага нисбатан (ота, она, уларнинг ўрнини босувчи шахс):	
2. Ф.И.О.:	
3. Паспорт маълумотлари (рақами ва серияси):	
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда)	
5. Манзили:	
6. Телефон рақами:	
7. Электрон почта манзили:	

II. Бола ҳақида маълумотлар:

1. Ф.И.О.:	
2. Туғилган йили:	
3. Туғилиш ҳақида гувоҳнома маълумотлари (рақами ва серияси):	
4. Бола оиласи билан яшайдиган манзил:	
5. Манзилнинг қайси мактаб микрохудудига кириши	

III. Муассаса ҳақида маълумотлар:

1. (Туман, шаҳар) ҳалқ таълими бўлими:	
2. Умумтаълим муассасаси рақами:	
3. Ўкув тили:	

IV. Қўшимча маълумотлар (зарур ҳолда)

1. Ака-укалари ёки опа-сингиллари ушбу муассасада таълим олаётган бола (ака-укалари ёки опа-сингилларининг Ф.И.О.) **	
2. Ота-онаси ушбу таълим муассасасида ишловчи бола (буйруқ санаси ва рақами)**	
3. Отаси ёки онаси I гуруҳ ногирон бола (ногиронликни тасдиқловчи хужжат)	
4. Етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола (ота-онасининг вафоти ҳақида гувоҳнома ёки бошқа хужжат серияси ва рақами)	

* Ушбу сўровнома тақдим этиладиган асл нусхадаги хужжатлар асосида тўлдирилади.

** Ушбу маълумотлар тегишли умумтаълим муассасаси томонидан текширилади.

Сана: 20 ____ й. “ ____ ” ____ .

Имзо: _____

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “7” ийндағы 469-сон қарорига
2-илова

2019/2020 ўкув йилидан бoshлаб болаларни умумий ўрта таълим муассасалариға қабул кишиш жараёни Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириладиган таълим муассасалари рўйхати

T/p	Туманлар номи	Умумий ўрта таълим муассасалари сони	Умумий ўрта таълим муассасалари рўйхати
1.	Бектемир	4	289, 290, 291, 293-сон умумтаълим мактаблари
2.	Миробод	6	31, 60, 94, 110, 125, 263-сон умумтаълим мактаблари
3.	Мирзо Улугбек	7	35, 50, 64, 71, 187, 210, 279-сон умумтаълим мактаблари
4.	Олмазор	7	159, 191, 233, 242, 243, 249, 298-сон умумтаълим мактаблари
5.	Сергели	3	6, 7, 300-сон умумтаълим мактаблари
6.	Учтепа	7	38, 44, 74, 75, 107, 228, 238-сон умумтаълим мактаблари
7.	Чилонзор	9	101, 103, 164, 168, 178, 184, 195, 217, 280-сон умумтаълим мактаблари
8.	Шайхонтоҳур	7	19, 34, 42, 59, 169, 180, 314-сон умумтаълим мактаблари
9.	Юнусобод	14	5, 17, 43, 51, 86, 97, 98, 235, 246, 257, 260, 272, 302, 313-сон умумтаълим мактаблари
10.	Яккасарой	4	89, 91, 144, 160-сон умумтаълим мактаблари
11.	Яшнобод	7	61, 145, 151, 152, 166, 282, 307-сон умумтаълим мактаблари

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бевосита тасарруфидаги давлат умумтаълим мактаблари

1.	Мирзо Улугбек	3	Профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби Мирзо Улугбек номидаги астрономия физика, математика, информатика фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби
2.	Учтепа	1	Хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби
3.	Юнусобод	1	Табиий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби
4.	Олмазор	1	Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби
	Жами	81 та	

Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги давлат хизматлари агентлиги билан келишган ҳолда умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиши мумкин.

